



ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Ибрагимов Абдугапур Каримович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори

**Аннотация.** Мазкур мақолада тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг бўйича халқаро стандартларини қўллашнинг ўзига хос ҳусусиятлари, банкларда халқаро стандартнинг ҳусусияти ва мазмуни, турли илмий нашрларда халқаро стандарт бўйича талқинларнинг таҳлили, айрим халқаро стандартдан фойдаланиш методикасининг банклардаги ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган ва оптимал вариантда трансформация қилиш ўз ифодасини топган. Тадқиқотлар натижасида тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг бўйича халқаро стандартларини қўллашга доир муаллиф томонидан ўз фикри ифодаланган ҳамда тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** халқаро стандарт, тижорат банки, трансформация, счёtlар режаси, синтетик ва аналитик счёт, активлар, капитал ва мажбуриятлар.

**ВОПРОСЫ ПЕРЕХОДА НА МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ ФИНАНСОВОЙ  
ОТЧЕТНОСТИ В БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА**

**Ибрагимов Абдугапур Каримович**

Доктор экономических наук, профессор кафедры "Бухгалтерского учета и аудита" Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан

**Аннотация.** В этой статье анализируются особенности применения международных стандартов финансовой отчетности в коммерческих банках, природа и содержание международного стандарта в банках, анализ интерпретаций международного стандарта в различных научных публикациях, особенности методологии использования некоторых международных стандартов в банках и трансформационные в выражены оптимальный вариант. В результате проведенного исследования автор высказал свое мнение о применении международных стандартов финансовой отчетности в коммерческих банках и разработал рекомендации.

**Ключевые слова:** международные стандарты, коммерческие банки, трансформация, план счетов, синтетический и аналитический учет, активы, капитал и пассивы.

**ISSUES OF TRANSITION TO INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS  
IN THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN**

**Ibragimov Abdugapur Karimovich**

Doctor of Economics, Professor of the Department of Accounting and Audit  
of the Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

**Abstract.** This article analyzes the features of the application of international financial reporting standards in commercial banks, the nature and content of the international standard in banks, the analysis of interpretations of the international standard in various scientific publications, the features of the methodology of using some international standards in banks and transformational in the optimal variant is expressed. As a result of the research, the author expressed his opinion on the application of international financial reporting standards in commercial banks and developed recommendations.

**Key words:** international standard, commercial bank, transformation, chart of accounts, synthetic and analytical accounting, assets, capital and liabilities.

### **Кириш.**

Жаҳонда турли давлатларда чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва интеграция ҳамда рақамлаштириш натижасида фаолиятини, шу жумладан ҳисоб тизимини халқаро даражада қабул қилинган стандартлар асосида юритиш, уларга бўлган талабларнинг кучайишига ва молиявий ҳисботларни ушбу амалиётга мослаб тузишни заруриятини келтириб чиқармоқда. “Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча акциядорлик компаниялари, 45 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг 250 мингдан ортиқ шўйба ва бошқа боғлиқ компаниялари билан биргалиқда МХХСларига мувофиқ молиявий ҳисботларни ихтиёрийлик асосда тузмоқдалар”<sup>80</sup>. Демак МХХСларини эътироф этувчи компания ва мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Айниқса акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ҳисботларининг дунё миқёсида қизиқишнинг ортиши, илғор чет эл акциядорлик компанияларининг халқаро стандартларни қўллаш бўйича тажрибасидан кенг ва самарали фойдаланиш ҳозирги замоннинг энг долзарб ва муҳим муаммоларидан биридир.

Дунё амалиётида бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишга қаратилган турли давлатларда иқтисодчи-олимлар томонидан кўплаб, турли йўналишдаги илмий ишланмалар амалга оширилмоқда. Айниқса бунда акциядорлик жамиятлари томонидан молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисбини юритиш, активларни тан олиш, капитал, молиявий натижаларни ҳисобда акс эттириш ва бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириш, халқаро стандартларни жорий қилиш ва баҳолаш масалалари ўз ечимини топишга доир кўплаб илмий ишланма ва изланишлар олиб борилмоқда. Шуни эътиборга олишимиз лозимки, ҳозирги иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида молиявий ҳисбот маълумотларини шакллантириш, уларнинг ишончлилигини ошириш бўйича тегишли ишлаб амалга оширилмоқда. Лекин кўплаб акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларини халқаро стандартлар талаблари даражасида юритиш ва уларнинг натижаси ҳисбланган молиявий ҳисботларни акцияларини жойлаштириш учун мўлжалланган фонд биржасида тегишли тартибда акциялари билан иштироки масалалари шу кунгача молиявий ҳисбот кўрсаткичлари бўйича ўзининг тўлиқ ижобий ечимига эришмаган. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасида Республикамиз Президенти таъкидлаганидек, 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисботни МХХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МХХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно” (Қарор, 2020). Ушбу Қарорга кўра, акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисбини юритиш ва молиявий хўжалик фаолиятини молиявий ҳисботларини тайёрлашни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширади. Шундай қилиб, мазкур Фармонни бажарилиши учун акциядорлик жамиятлари, шу жумладан тижорат банклари томонидан молиявий ҳисботларни халқаро стандартлар асосида тузиш зарурияти вужудга келмоқда. Айниқса тижорат банклари томонидан хорижий ҳамкорларга акцияларини сотиши, чет эллик инвесторлар топиши учун бухгалтерия ҳисбини ва унинг асосида тузиладиган молиявий ҳисботларини халқаро стандартлар асосида тузиши зарурияти пайдо бўлади. Ушбу масала жаҳондаги турли мамлакатларнинг иқтисодчи-олимлари томонидан унинг турли қирралари, амалиётга жорий этиш усуллари, молиявий ҳисботларни тузиш билан боғлиқ масалаларнинг турлича талқини мавжудлиги ушбу мавзунинг долзарблиги ва ушбу соҳада тегишли илмий изланишлар амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради.

### **Адабиётлар шархи.**

Мазкур масалада, яъни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини амлиётга жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қуйидаги изоҳ берилган. Бухгалтерия ҳисбининг миллий стандартлари узоқ йиллар давомида концептуал жиҳатдан ўзгартирилмаган. Натижада:

1) замонавий бизнес турлари ва жараёнларининг ривожланиши оқибатида амалдаги стандартлар уларнинг ҳисоби қандай юритилиши бўйича аниқ хulosса бера олмай қолди.

<sup>80</sup> www: Ifrs.fondishion.com.

2) замонавий ҳисоб тизимларининг акциядорлар манфаати учун молиявий ҳисобот тайёрлашга ўтиши (бу жараён Европада 2005 йилда МХХСни тўлиқ қабул қилиш билан бошланди) ушбу стандартлар мамлакатимиздаги чет эл инвесторларининг молиявий ҳисоботдан оладиган ахборот эҳтиёжини қондира олмай қолди.

3) 2020 йилда янги таҳирдаги солиқ кодексининг ишлаб чиқилиши муносабати билан молиявий инструментлар (хусусан хежлаш операциялари), трансфер нархлар ва резервларнинг яратилиши бўйича янги механизмлар киритилди. БҲМСларда ушбу киритилган механизмлар ҳисобини юритиш бўйича эса ҳеч қандай кўрсатмалар мавжуд эмас.

4) узоқ йиллар мобайнида тадбиркорлик субъектларининг барча қатламлари (кичик, ўрта ва йирик) учун мазкур БҲМСлар амал қилган. Аслида мазкур стандартлар йирик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисботовидан фойдаланувчилар учун етарли молиявий маълумотларни бера олмас эди. Аксинча, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган баъзи талаблар кўп ҳолларда қийинчиликларни юзага келтиради. Хусусан, асосий воситалар объектларини қайта баҳолаш, қарзлар бўйича сарфларни капиталлаштириш, ички яратилган номоддий активларни тан олиш, молиявий инвестицияларни ҳисобга олишга оид кичик ва ўрта бизнес учун халқаро тажрибага кўра қўлламаслиги мумкин бўлган талаблар ҳам мажбурий қилиб белгиланган эди. Ушбу омилларни ҳисобга олган ҳолда БҲМСларни концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш заруратга айланди.

Маълумки, акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби тизими Ўзбекистон Республикаси мустақилликни кўлга киритгандан бўён ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилиб келинмоқда. Айрим мутахассислар фикрича, акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг асосида баҳолаш - бу молиявий кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг таққослама тизимиdir. Чунки акциядорлик жамиятлари ўзининг фаолиятини рейтинг асосида эксперт томонидан баҳоланиб бориши учун уларнинг молиявий ҳисботовлари халқаро талаблар даражасида тузилиши лозим (Каримов, Ибрагимов ва бошқ. 2020).

Бундан ташқари ушбу масалада проф. Трофимова (2018) томонидан компания ва фирмалар молиявий ҳисботовнинг халқаро стандартларини қўллаш жараёнида ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатини изчил равища танлаши ва қўллаши керак, деган фикр билдирган. Демак ушбу фикрдан хуроса қилишимиз мумкинки, молиявий ҳисботовнинг халқаро стандартлари моддаларнинг тоифаларга бўлининиши талаб этса ёки руҳсат этса, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равища танланиши ва қўлланиши лозим деган фикрни билдиради (Трофимова, 2018). Бизнинг фикримизча, ушбу фикр ҳисоб сиёсатини амалиётга жорий этишда муҳим ўрин эгаллайди ва унинг қўлланиши халқаро стандартга ўтиш жараёнини енгиллаштиради.

Айрим мутахассислар фикрича, акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг асосида баҳолашда - бу турли кредит ташкилотларини молиявий кўрсаткичлари асосида баҳолашнинг таққослама тизимиdir (Каримов, Ибрагимов ва бошқ. 2020). Айрим рейтинглар эксперт хуросаси асосида баҳоланади. Жумладан, бунга банкларнинг хизмат кўрсатиш сервисини мисол қилиб келтириш мумкин. Ривожланаётган давлатларда банкларнинг энг муҳим кўрсаткичи бу кредит ишончлилиги ҳисобланади. Банк рейтинги юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосий молиявий кўрсаткичлари асосида, ёки қисқача баланси асосида тузилади (Ибрагимов, Умаров ва бошқ. 2020). Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисботовларини халқаро стандартлар асосисида тузилиши уларнинг молиявий ҳисботовларини чет эллик инвесторлар томонидан ўқиши ва тушуна олиши имконияти яратилади. Натижада акциядорлик жамиятларининг акцияларини фонд бозорида жойлаштириш ва унинг котировкасини тўғри белгилаш имконияти яратилади.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботов амалиётини янада такомиллаштириш учун иқтисодчи-олим Маматов (2015) томонидан билдирилган фикр бўйича эса “Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандарт асосида ташкил этиш амалиётини янада такомиллаштиришнинг бош масаласи – акциядорлик жамиятларига молиявий ҳисботовни халқаро стандартларида ўрнатилган тамойилларга ва талабларга яқинлаштириш тенденциясига асосланади” деб таъкидлайди (Маматов, 2015).

Бундан ташқари Ўзбекистонни жаҳонга интеграциясини ривожланиши ва молиявий ҳисботовларни умумқабул қилинган шаклда тақдим этиш жараёнида проф. Курбанов ва Акрамовларнинг (2015) фикрича “Республикамида бухгалтерия ҳисобини босқичма-босқич

молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартлари асосида ташкил этиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жаҳон интеграциясига янада кенгроқ кириб бориш имкониятини беради. Бу эса Республикаизда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги босқичи бўлиб қолади” (Курбанов, Акрамов, 2015). Шундай қилиб, ушбу фикрлардан шундай хуласа қилиш мумкинки, бухгалтерия ҳисоби стандартлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир минимал талаблари, уни ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишга доир маҳсус талабларни бажаришни белгилаб беради. Ушбу масала акциядорлик жамиятида янада муҳим аҳамиятга эгалиги ва уларнинг акцияларини жаҳон фонд биржаларига жойлаширилиши учун бериладиган ахборот ва молиявий ҳисоботларни ҳалқаро талабларга мослаб тақдим этишининг заруриятини келтириб чиқаради.

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақола доирасида амалга оширилган тадқиқот жараёнида акциядорлик жамиятиларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш усуслари, молиявий ҳисоботни ҳалқаро стандартлар асосида юритишнинг назарий асослари ўрганилади, молиявий ҳисоботни банк тизимиға қўллаш жараёни, трансформацион жадваллар, ҳисоботни шакллантиришнинг назарий асослари ўрганилди, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига боғлиқ қўплаб илмий нашрлар талқин қилинди, илмий тадқиқотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада, мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув усусларидан кенг фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ҳозирги вақтда бутундунё ҳамжамиятияга аъзо блган давлатларнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини таҳлил қилиш натижасида трансмиллий компанияларнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларини (МХҲС) асос қилиб бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш давр талаби ҳисобланади. Шу сабабли кўпчилик давлатларда бухгалтерия ҳисобининг асоси МХҲСларини қўллаган ҳолда ҳалқаро ҳисоб тизимидан фойдаланиш ҳисобланади.

Масалан ушбу масалада Буюк Британияда ташкил этилган ҳисоб тизимиға эътибор қаратадиган бўлсак, унда ҳисоб тизими бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари (Generally Accepted Accounting Practice)«GAAP-UK» асосида ташкил этилганлигини қўришимиз мумкин. Бунда Буюк Британиядаги Менежмент Бухгалтерия ҳисоби Чартер институти (CIMA) томонидан тайёрланган маҳсус атамаларда бухгалтерия ҳисоби бу пулда ўлчанадиган операцияларни қамраб олиши эътироф этилган<sup>81</sup>. Демак, бухгалтерия ҳисоби:

- пулда ўлчанадиган битимларни таснифлаш ва ёзувини амалга ошириш;
- давр мобайнида ушбу битимларнинг бажарилган ишлар ва белгиланган санада молиявий ҳолатни баҳолашдаги таъсири натижаларини презентация ва интепретация килиш;
- фаолиятнинг режали курси муқобиларидан келиб чикиб, келгуси фаолиятга оид пуллик лойиҳаларини тузиш тизимири.

Бугунги кунда дунё миёсида фаолият кўрсатаётган бухгалтерия ҳисоби тизимини асосан тўртта моделга ажратиб ўрганишимиз мумкин:

- Британ-Америка модели;
- Континертал модель;
- Жанубий-Америка модели;
- Ислом модели.

### **1-жадвал**

### **Бухгалтерия ҳисобини юритувчи мамлакатларнинг моделларга ихтисослашуви<sup>82</sup>**

Моделлар номи	Мамлакатлар
Британ-Америка модели	Буюк Британия, Голландия, АҚШ, Канада
Континертал модели	Европа ва МДҲ
Жанубий Америка модели	Лотин Америкаси давлатлари
Ислом модели	Туркия, Малайзия, Саудия Арабистони, Миср, Кувейт.

<sup>81</sup> www.diplomilirist.ru/.../accounting-in-the-unite-сайти маълумоти

<sup>82</sup> Allmsfo.ru/modeli-bux-ucheta.html- сайти маълумоти

Ушбу моделларни ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уни ташкил қилиниши бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосини билдиради ва шу асосда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳисоб тизимини турли вариантиларини ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

**Британ-америка модели.** Асосчилари-Буюк Британия, АҚШ ва Голландия давлатлари ҳисобланади. Ушбу моделнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тайёрланган молиявий ҳисобатлар биринчи навбатда инвесторлар ва мулк эгаларига тақдим этилади. **АҚШда стандартлар** – “Молиявий ҳисоб стандартларини ишлаб чиқиши бўйича Кенгаш” (**FASB**) ва “Америка дипломли бухгалтерлар-аудиторлар институти” (**AICPA**) томонидан ишлаб чиқилган **GAAP-US** стандартлар асос бўлиб хизмат қиласди.

Ушбу бухгалтерия ҳисобининг модели Канадада ҳам **GAAP-US** тизими асосида фойдаланилиб, бухгалтерия ҳисоби тизими юритилади.

Буюк Британия яъни Англия, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландия каби мамлакатларда ҳамда Голландияда ҳисоб ва ҳисботга қўйилган умумий талаблар “Компаниялар тўғрисидаги” қонун билан тартибга солинади (Company Act, 2006, CA 2006). Ушбу қонуннинг 15 моддасида бошқариладиган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ҳакида сўз юритилган. Ушбу тизим юқоридаги моделга асослансада, шу билан биргаликда шзининг хусусиятларидан келиб чиқиб, **GAAP-UK** тизими асосида бухгалтерия ҳисоби ташкил қилинади ва унда “Компаниялар тўғрисидаги” қонун асосида бухгалтерия ҳисоби тизими ташкил қилинади. Бунда ҳисоб тизими молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби номли йирик бўлинмаларда ажратилиб ҳисобга олиб борилади. Шу сабабли ушбу тизим ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини кўришимиз мумкин ва шу асосда бухгалтерия ҳисоби ташкил қилинади.

**Континентал модель.** Дастрлаб ушбу моделдан Континентал Европа ва Япония давлатлари фойдаланишган. Ушбу моделнинг хусусияти шундан иборатки, бухгалтерия ҳисоби икки омилга боғлик равишда ташкил этилади:

- йирик банк капитали ҳисобига бизнесни белгилаш асосида;
- фискал ташкилотларнинг талабларига мос ҳолда (масалан, солик органлари)

**Жанубий америка модели.** Мазкур моделдан фойдаланувчи давлатларда асосан инфляция шароити тўлиқ ҳисобга олинади, натижада бухгалтерия ҳисоби тузатувчи ёзувлар билан олиб борилади. Бунда молиявий ҳисботларнинг ишончлиги даражаси муҳим аҳамият қасб этади.

**Ислом модели.** Мазкур модел асосан Араб давлатларида қўлланилади, бунда моделнинг тузилиши “Ислом динига” асосланган бўлиб, динда судхўрлик қораланади ва шу сабабли фоизсиз фаолият юритиш ва бизнес учун фоизсиз кредит беришга асосланиб, келгусида бизнес ривожланиши учун молия инистутлари манфаатдор ҳисобланади ва чунки келусида бизнес ривожланиши натижасида унинг фойдасига шерик бўлади. Асосий тамойил бунда ишонч асосига қурилган бўлиб, ишончли кредит бериш ва ишонч асосида маблағлардан фойдаланиш амалга оширилади (Ibragimova, Ergasheva, 2019).

Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда, булар эса ҳалқаро стандартларга таянади ҳамда субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Ушбу шароитда молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш мақсадида унинг асосий тушунчаларини аниқлаб олиш керак. Энг аввало шуни аниқлаш керакки, бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари (International Accounting Standards) ва молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартлари (International Financial Reporting Standards) тушунчаларини фарқлари билиш лозим. Бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартлари IAS (International Accounting Standards) 1973 йилнинг 29 июнида йирик ривожланган давлатлар (Австралия, Канада, Франция, Германия, Япония, Мексика, Голландия, Буюк Британия, Ирландия ва АҚШ) бухгалтерлар ва аудиторлар профессионал ташкилотларининг келишувига асосан ташкил қилинган. Шундай килиб, Ўзбекистон мустакил давлат сифатида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича хукуматлараро ва ҳалқаро профессионал ташкилотларга кириши ҳамда молиявий ҳисбот ва аудитнинг ҳалқаро стандартларини ишлаб чиқишида фаол иштирок этиши керак. Бу эса бизнинг ҳисоб стандартларимиз ва аудит тадбирларимизни ҳалқаро стандарт ва тадбирлар билан мувофиқлаштириш имконини беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Молиявий ҳисбботниң ҳалқаро стандартларини амалиётга жорий этишни тақомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуидаги хулосаларга келинди:

1. Бухгалтерия ҳисбонинг ҳалқаро тизимини таҳлил қилиш жараёнида энг аввало турли давлатларда ташкил этилган ҳисоб тизимини таҳлил қилишимиз лозим. Молиявий ҳисбботларни ҳалқаро стандартларга мослаштириш, айниқса компания ва фирмалар молиявий кўрсаткичларига баҳо беришда ва уларнинг ҳалқаро миқёсда ҳаракат қилишида ва муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси корхона ва хўжалик субъектларида молиявий ҳисбботларни ҳалқаро стандартлар асосида тайёрлаш ва молиявий ҳисбботларнинг ҳалқаро стандартларни келиб чиқиш тарихи ва унинг эволюцияси асосида хўжалик юритувчи субъектлар бўйича молиявий ҳисбботниң ҳалқаро стандартларини қўллашнинг ишчи режаси ва амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллаш жараёнини кўриб чиқиш лозим.

2. Ҳалқаро стандартлар бўйича сезиларли таъсир мавжуд бўлган чоғидаги (шуъба компанияларига оид) инвестициялар ҳисоби акциядорнинг хўжалик юритувчи субъект капиталидаги улуши ҳажмини ҳисбога оловчи усул бўйича амалга оширилганда қуидаги ҳолатлар мустасно бўлиши лозим деб ўйлаймиз:

- agar капитал қўйилмалар фақат якин келажакда, яъни кейинги навбатдаги сотилиши учун амалга оширилса ёки сақланса;
- инвестор сезиларли таъсиридан бошқа фойдаланмаганда;
- шуъба компания ўз фаолиятини қатъий чеклашлар шароитида амалга оширганида бухгалтерия ҳисбонинг ўзига хос жиҳатлари вужудга келади.

Бухгалтерия ҳисбобида қарзга оид қимматли қофозларга инвестицияларнинг харид қилиш қиймати билан сўндириш қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт ёки харид қилиш чоғидаги мукофот) одатда инвестор томонидан қимматли қофознинг харид қилиш вақтидан бошлаб сўндириш вақтигача ҳисбодан чиқарилади, яъни амортизация қилиниши тартиби белгиланган бўлиб уларни акс эттириш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Концептуал асосда барча фойдаланувчиларнинг молиявий ахборотга бўлган талаблари бўйича юзага келган муаммо «озчиликинг қўпчиликка бўйсуниши лозим» қоидасини қўллаш орқали ўз ечимини топган. Бизнинг фикримизча, корхона молиявий ахборотни тайёрлашда хар бир фойдаланувчи талабидан эмас, қўпчилик сондаги (аксарият) фойдаланувчиларнинг умумий эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда молиявий ҳисббот тайёрлайди. Шу билан бирга умумий ахборот эҳтиёжларига кўпроқ урғу бериш ҳисббот берувчи корхона томонидан асосий фойдаланувчиларнинг маълум бир гуруҳи учун фойдали бўлган қўшимча маълумот берилишига тўсқинлик қилмайди. Ушбу вазифани бизнинг фикримизча молиявий ҳисбботниң ҳалқаро стандартлари бажаради.

4. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, молиявий ҳисбботниң ҳалқаро стандартларини жорий этиш жараёни шартли равишда 4 та босқичга бўлишимиз мумкин:

1. Бошланғич босқич;
2. Жорий этиш босқичи;
3. Молиявий ҳисбботларни шакллантириш босқичи;
4. Молиявий ҳисббот тузилгандан кейинги босқич.

5. Ушбу фикрларни ривожлантирган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, молиявий ҳисбботниң концептуал асослари бу стандарт ҳисбланмайди. Концептуал асос молиявий ҳисбботни тайёрлаш ва тақдим қилиш асосларини ташкил қиласидиган қоидаларни белгилайди. Шундай қилиб, бизнинг фикримизча концептуал асосларнинг мақсади, молиявий ҳисбботлар хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги ишончли маълумотларни ўзида мужассамлаштириш ва ушбу ҳисббот шалларининг мазмуни, уларни тузиш қоидалари ва тақдим этиш тартибини замонавий талабларга мослашдан иборатdir.

6. Ҳалқаро стандартда энг аввало очиб берилган масала бу ҳисоб сиёсати ҳисбланади. Бунда унга қуидаги таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин. Ҳисоб сиёсати – бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисбботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётларdir.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисбботниң ҳалқаро стандартларига ўтиш жараёнида ҳисоб сиёсатини белгилаб олиш муҳим ҳисбланади ва ҳалқаро стандарт асосида ушбу



масаланинг ечимини топиш зарур. Шу сабабли МҲҲС операцияга, бошқа ҳодисага ёки шароитга аниқ тегишли бўлганида, унга нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати ёки сиёсатлари ушбу халқаро стандартни қўллаш орқали амалга оширилади ва унда тегишли тартиб қоидалар МҲҲС бўйича белгиланиши лозим.

7. Кейинги масала халқаро стандартлар асосида капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисботда акс эттириладиган маълумотларни акс эттириш тартиби ҳисбланади. Бизнинг фикримизча, ташқи маълумот истеъмолчилари учун муҳим масала корхонанинг капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисботни тақдим этили ва унинг ахборотларини ўқий олиниши масаласи ҳисбланади. Бунда капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисбот қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим деб ўйлаймиз:

1) давр учун даромаднинг бош ташкилот эгаларига ва назорат кучига эга бўлмаган улушлар эгаларига тегишли жами суммаларини алоҳида кўрсатган ҳолда жами умумлашган даромади;

2) БҲҲС 8 га мувофиқ тан олинган ретроспектив қўллашнинг ёки ретроспектив қайта ҳисблашнинг капиталнинг ҳар бир қисми учун, давр бошидаги ва охиридаги баланс қиймати ўртасидаги солиштирма, бунда қўйидагилардан юзага келадиган ўзгаришларни алоҳида очиб берган ҳолда:

- фойда ёки зарап;
- бошқа умумлашган даромадлар;

- мулк эгалари билан уларнинг мулк эгалари сифатида амал қилишидаги операцияларни ҳисбога олган ҳолда маълумотлар очиқ кўриниши лозим деб ўйлаймиз ва уларни маълумот истеъмолчилари ўқий оладиган бўлиши лозим.

8. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисбини юритиш ва молиявий ҳисботларни шакллантириш жараёнида молиявий ҳисботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш жараёнида қўйидаги муаммолар борлиги аниқланди:

1) Ўзбекистон жаҳон хўжалиги тизимининг тўлақонли фаол аъзосига айлана борган сари, халқаро амалиётнинг мамлакатдаги бухгалтерия ҳисбининг ривожланишига таъсири сабабли халқаро стандартларни қўллаш жараёнида хусусиятларни инобатга олиш лозим деб ўйлаймиз. Айниқса унинг норматив-хуқуқий асосларини шунга мослаш, чет эллик ҳамкорлар талабига мосравища ҳисботларни тақдим этиш вазифасини қўйади;

2) Ўзбекистон ҳисоб тизимида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини жорий этишдаги муҳим масала бу энг аввало молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш жараёнини тўғри белгилаб олиш ҳисбланади. Ушбу масала қўйидаги асосий муаммоларни ечимини топишимиш лозим: МҲҲС амалиётга қўллаш учун биринчи навбатда бош бухгалтер ва бухгалтерия ходимларини ушбу масала бўйича ўқитиш ва тегишли билим бериш лозим; МҲҲС амалиётга қўллаш учун бухгалтерия ҳисоби тизимини шунга мослаш ва ҳисоб жараёни ушбу стандартлар асосида ташкил этиш имконини берадиган шаклда ва тегишли автоматлаштирилган усулдан фойдаланишда МҲҲС асосида умумлаштириш тартибини амалга оширадиган дастурлардан фойдаланиш ва уларни халқаро стандартга мослаб қайта ишлаб чиқиш; МҲҲС бўйича алоҳида бўлим ёки сектор ташкил қилинib, уларнинг вазифаси халқаро стандартга ўтиш жараёнини амалга ошириш ва ушбу жараёнда бухгалтерлар томонидан тайёрланган бухгалтерия ҳисоби қўрсаткичларини халқаро стандартга ўтказига ёрдам бериш;

3) Жаҳондаги компания ва фирмалар томонидан ҳозирги шароитда фойдаланилаётган молиявий ҳисботнинг халқаро стандартига ўтишнинг қўйидаги иккита йўли мавжуд. Биринчи йўл халқаро стандартлар асосида тўғри ва сифатли молиявий ҳисбот тузишни таъминлайди.

Иккинчи йўлда эса трансформация жараёнида кўплаб муаммо ва тўсиқларга дуч келиш мумкин . Ушбу иккита йўлнинг ечимида ҳам халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг методологик масалаларини қўллай олиш масаласини ечимини топиш зарарияти вужудга келади.

9.Ушбу бухгалтерия ҳисбининг халқаро стандартларини амалиётда қўллашдан асосий мақсад молиявий ҳисбот қўрсаткичларини умум қабул қилинган шаклда тақдим этиш ҳисбланади. Халқаро стандартларга асосан молиявий ҳисбот тизим сифатида асосий шакллари сифатида: «Давр охирига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот» (1-шакл) ва «Давр учун фойда ёки заарлар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисбот» (2-шакл) ташкил



этади. Бундан ташқари бошқа ҳисобот шакллари 3-шакл «Давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот», 4-шакл «Давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот», изоҳ ва тушунтиришлар билан бирга бўлиши шарт ҳисобланади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимиға халқаро стандартларини жорий этиш ва уларни МХХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш жараёнини бизнинг фикримизча қуидаги ўтиш йўлларидан фойдаланишни тавсия қиласиз:

1. Тўғри усул;
2. Трансформация усули;
3. Комбинациялашган усул.

#### ***Адабиётлар /Литература/Reference:***

*Ibragimova I.R., Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K. (2019) Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari.-T.: TDIU, – 227 b. B/45-49/*

*Ибрагимов А.К., Умаров З.А., Хотамов К.Р., Ризаев Н.Қ. (2020) Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 560б. Б.17-21*

*Каримов А.А., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ., Имамова Н.М. (2020) Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари: Дарслик. –Т.: «Iqtisod-Moliya», 2020 - 392 б.Б.34-36.*

*Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ўйл 24 февраль, ПҚ-4611-сон Қарори//Lex.uz.*

*Курбанов З.Н., Акрамов Ф.А. (2015) Асосий воситаларни МХХС асосида юритиш.//“BIZNES-ЭКСПЕРТ” журнали № 4-сон, 22.05.2015 ўйл*

*Маматов Б. (2015) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш муаммолари. // “Soliq solish va buxgalteriya hisobi” журнали №11-сон, 15 б.*

*Трофимова Л.Б. (2018) Международные стандарты финансовой отчетности: учебник, М.: Издательство Юрайт. -242 с.*